Адл ила олам юзин обод қил!

Куч – адолатда

2026 йил
25 сентябр,
жума
№ 38
(1124)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.kuch-adolatda.sud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

АНДИЖОННИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ: ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ БОШ МЕЗОНГА АЙЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 24 сентябрь куни Андижон вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли даромадларини ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари вилоятда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаларига тўхталиб, жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодиёт 8,8 фоизга ўсганини қайд этди. Саноат, хизматлар ва инвестицияларда ҳам ижобий суръатлар кузатилмоқда. Шу билан бирга, энг муҳим мезон бу кўрсаткичлар ҳар бир оиланинг кундалик ҳаётида қандай акс этаётгани экани таъкидланди.

Андижонда ер ва табиий бойликлар чекланган бўлса-да, ҳаракатчан аҳоли, кучли тадбиркорлик руҳи, кўп сонли ёшлар, шаклланган саноат мактаби ва катта бозор мавжуд. Сўнгги йилларда вилоятга ажратилаётган бюджет маблағлари ва кредит ресурслари сезиларли кўпайди, маҳаллий раҳбарларга кенг ваколатлар берилди. Энди ушбу имкониятларни юқори даромадли иш ўринлари ва аҳоли фаровонлигига айлантириш талаб этилади.

Йиғилишда, аввало, инвестицияларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш масаласи кўриб чиқилди. Саноат ва тадбиркорлик учун ажратилган 1 минг гектар майдонда 7 миллиард доллар инвестиция ҳисобига камида 70 минг юқори даромадли иш ўрни яратиш имконияти борлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу билан бирга, сармояларнинг мамлакатлар ва тармоқлар бўйича таркиби етарлича диверсификация қилинмагани, ахборот технологиялари ва тадқиқот йўналишларига инвестициялар кам жалб этилаётгани таъкидланди. Вилоятда малакали кадрлар ва экспорт имкониятлари мавжуд бўлган соҳаларнинг технологик базасини мустаҳкамлаш зарурлиги билдирилди.

Асакада автомобилсозлик ва машинасозлик бўйича тўпланган тажриба асосида ўз технологияларини яратишга ўтиш вазифаси қўйилди. “Асака муҳандислик водийси”ни ташкил этиб, дастурий маҳсулотлар, электроника, электромеханика ва муҳандислик хизматлари занжирини йўлга қўйиш муҳимлиги қайд этилди.

Тўқимачиликда ҳам мавжуд қувватлардан юқори самара билан фойдаланиш, хорижлик дизайнер, конструктор ва брендларни жалб этиб, қиймати юқори маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтиш зарур. Инвестиция натижадорлиги ҳар бир квадрат метр майдонда яратилган қўшилган қиймат билан баҳоланиши белгиланди.

Қорақалпоғистон тажрибаси асосида бошқа ҳудудларда ҳам лойиҳалар менежери лавозимлари жорий этилади. Андижондаги менежер вилоятнинг янги инвестиция моделини шакллантиришга масъул бўлади. Туманларнинг саноат, хизматлар ва қишлоқ хўжалиги имкониятлари сунъий интеллект ёрдамида баҳоланиб, юқори самара берадиган йўналишларга сармоя жалб қилиш режаси ишлаб чиқилади.

Йирик корхоналар фаолиятини кенгайтириш ва уларни технологик модернизация қилиш орқали янги иш ўринлари яратиш чоралари кўрилади. Келгуси йил вилоятда камида 10 фоиз иқтисодий ўсишни таъминлаш, 5 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш ва экспортни 1,5 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги ва қишлоқ аҳолиси даромадларини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Улуғнорда пахтадан озуқа экинларига ўтказилган майдонлар ҳамда дала четларидан самарали фойдаланиш орқали чорвачиликни кенгайтириш имкониятлари кўрсатиб ўтилди. Улуғнор ва Бўстонда йирик чорвачилик комплекслари лойиҳаларини ишлаб чиқиш топширилди.

Балиқчидаги товуқ гўшти етиштириш комплекси тажрибаси асосида Жалақудуқ ва Хўжаободда янги паррандачилик лойиҳалари бошланади. Улуғнорда балиқчилик кластери ташкил этилади.

Жалақудуқ, Марҳамат, Асака ва Андижон туманларидаги адир ерларини иқтисодий айланмага киритиш учун алоҳида “Агростар” компанияси ташкил этилади. Баҳоргача 4-5 минг гектар майдонга сув чиқариб, саноатлашган боғлар барпо этиш бошланади. Боғлар уч йил парваришланиб, аҳолига тайёр ҳолда таклиф қилинади.

Мева-сабзавотчиликда “гектардан – максимал қиймат” тамойилига ўтиш белгиланди. Аҳолига кичик қайта ишлаш ускуналари лизингга берилиб, туман брендларини яратиш рағбатлантирилади. Натижада етиштирилган маҳсулотни қайта ишлаш улушини 30 фоизга, экспортни 500 миллион долларга етказиш имкони бор. Балиқчидаги иссиқхона лойиҳаси тажрибаси республика бўйлаб оммалаштирилади.

Ташқи бозорда пахтага талаб пасайиб, экспортда логистика харажатлари ошиб бораётган шароитда фермерлар, кластерлар ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун қўшимча кўмак чоралари белгиланди.

Пахтани биржада сотган фермерга ҳам, уни сотиб олган кластерга ҳам ҳар тонна учун 500 минг сўмдан субсидия берилади. Ўз ерида пахта етиштирган кластерлар эса гектарига 1,5 миллион сўмдан субсидия олади. Тайёр маҳсулот экспортчиларининг кредит фоизлари бир қисмини уч йил давомида компенсация қилиш бўйича ҳисоб-китоблар киритиш топширилди. Маркетплейслар орқали сотилган маҳсулот қийматининг бир қисмини қайтариш юзасидан ҳам таклифлар тайёрланади.

Кўп иш ўрни яратаётган саноат корхоналари алоҳида рағбатлантирилади. Камида минг нафар ишчиси бўлган корхоналарда ходимларни ўқитиш, малакасини ошириш ва ишга олиб келиш ҳамда олиб кетиш харажатларининг ярми компенсация қилинади. Камида беш йил ишлаган ходимларга фарзандларининг контракт тўлови қоплаб берилади. Иш ўринлари сони мингтага яқинлашаётган корхоналар учун ҳам грантлар ажратилади.

(Давоми 2-бетда) ▶

Моҳият

Судлар иш юкламасини КАМАЙТИРИШ — одил судлов самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти

Сўнгги йилларда мамлакатимизда жамоат хавфсизлиги ва тартибини таъминлаш, фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жамиятимизнинг барча қатламларига чуқур кириб бормоқда.




Абдулҳаким ЭШМУРОДОВ,
Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси

Хусусан, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, судларда иш ҳажмини ва ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда нотариат институтига замонавий рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича амалга оширилаётган тизимли ишлар давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланди.

(Давоми 3-бетда) ▶

Жамиятимиз мақсади

Маъмурий одил судлов: фуқаро ва тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янги босқичи





Акмал МУРОДОВ,
Олий суд судьяси

2026 йил 22 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳузурида маъмурий одил судловни янги босқичга олиб чиқиш истиқболларига бағишланган тақдимот бўлиб ўтди. Унда фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш, давлат органлари фаолияти устидан суд назоратини кучайтириш ҳамда маъмурий судларнинг ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қатор муҳим таклифлар кўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Миллий амалиёт ва хорижий тажриба

Барнахус модели: Ўзбекистон одил судловига қандай янги ёндашув олиб киради?

Сўнгги йилларда мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли таъминлаш, уларни турли хил тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилишнинг институционал ҳамда ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2025 йил 24 декабрдаги Фармони билан тасдиқланган **“2026 – 2030 йилларга мўлжалланган Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш стратегияси”** ҳам айни шу мақсадга қаратилган.

Стратегияда халқаро ҳуқуқ нормаларини инобатга олган ҳолда болаларга нисбатан зўравонликка қарши курашишда Барнахус сингари илғор халқаро моделларни жорий этиш, маъмурий, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни қайта кўриб чиқиш вазифаси белгиланди.

Айтиш керакки, Барнахус модели миллий амалиётимизга алоҳида бир хорижий лойиҳа сифатида эмас, балки болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш миллий тизимининг янги бўғини сифатида жорий этилмоқда. Хорижий давлатларнинг Барнахус ёндашуви «бола — марказда» деган иборага асосланади. Бу ўринда бола жиноят ҳақида маълумот берувчи «объект» эмас, аксинча, ҳуқуқ «субъекти»дир. Демакки, бу турдаги ишни кўрадиган судья ҳам махсус билимга эга бўлиши зарур. Жинсий зўравонликдан жабрланган бола иштирок этадиган ишни кўриш оддий жиноят ишини кўришдан кескин фарқ қилишини эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

(Давоми 3-бетда) ▶

Тараққиётнинг янги манзараси: қад ростлаётган янги корхоналар ва ўзгараётган ҳаёт

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида ҳар бир вилоят, туман ва маҳалла ҳаётида сезиларли ўзгаришлар юз бериб, инсон манфаатлари барча саъй-ҳаракатларнинг марказида турибди. Ана шундай эзгу анъана ва бунёдкорлик руҳи Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Андижон вилоятига қилган навбатдаги ташрифида яққол намоён бўлмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган 2025 йилнинг 15-16 апрель кунлари Андижон вилоятига ташрифи чоғида кўплаб истиқболли лойиҳалар билан танишиб, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш юзасидан тегишли вазифаларни белгилаб берган эди. Ушбу устувор вазифалар ижроси ҳудуд қиёфасини тубдан ўзгартириб, инфратузилмани янада яхшилашда муҳим қадам бўлди.

Жумладан, вилоятда 2025 йилда 1 минг 430 километр йўллар таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Қурилиш-таъмирлаш ишлари учун 688,7 миллиард сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, 22,8 миллиард сўмлик ишлар бажарилиб, 12 та кўприк таъмирланди. Жорий йилда эса 1 минг 205,7 километр узунликдаги йўлларда реконструкция ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, январь-август ойларида 716 миллиард сўмлик йўл ишлари бажарилди ва 1 минг 79 километр автомобиль йўллари реконструкция қилинди ҳамда таъмирланди.

Шу билан бирга, аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим ўрин тутувчи коммунал соҳада ҳам улкан натижаларга эришилди. Ўтган йили вилоят бўйича 218 километр ичимлик сув тармоғи тортилди, 22 та сув иншооти, 3 та оқова сув иншооти, 63 та сув қудуғи қурилди. Бу ишларни амалга ошириш учун 160,7 миллиард сўм маблағ сарфланиб, натижада вилоятнинг ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 92,4 фоизга етди.

Андижонда бошланган истиқболли лойиҳалар изчил давом эттирилиб, бугунги кунда ҳудудда тадбиркорлик ва инвестициялар учун яратилаётган қулай шароитлар саноат тармоқларини ривожлантириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда) ▶

Тарих тилсимлари



Ўлмас УМАРБЕКОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Қизимга мактублар

(Давоми. Боши ўтган сонларда)


Янги уйга кўчиб ўтганларидан кейин ойим анча ўзгариб қолдилар. Албатта, ҳеч ким буни дабдурустдан сезгани йўқ. У кишидаги ўзгаришни ўзи сезиш осон эмас эди. Янада камгап бўлиб қолдилар, касаллари кўпайди. Аммо барибир сир бой бермадилар. Имкони борича касалликларини камайтириб гапирардилар.

Янги уйда иккита тўй ўтказдилар. Акмал аканг уйланди. Отабекнинг суннат тўйи бўлди. Катта ҳовли, сигир-бузоққа ўрганган одам кичкина ҳовлига кўникиб кетдилар. Уйнинг ҳовлига қараган бир хонасига деразаларни паст, ерда ўтириб ҳовлини кафтдек кўриб турадиган қилиб ўрнаттирган эдик.

(Давоми 4-бетда) ▶

Қонун кўмаги

«Ўз хоҳишига кўра ёзилган ариза» қистов натижаси бўлиб чиқди



Мамлакатимиз судларида меҳнат муносабатлари билан боғлиқ ишларни кўришда энг кўп учрайдиган низолардан бири — ходимнинг “ўз хоҳишига кўра” ишдан бўшатилиш ҳолатидир. Ҳақиқатан ҳам, бир қарашда, бу тариқа ишдан бўшатиш жуда осон кўринади.

Яъни ходим ариза ёзади, иш берувчи буйруқ чиқаради ва шу тариқа меҳнат шартномаси бекор қилинади. Аммо ҳар бир “ўз хоҳишига кўра” ёзилган ариза ходимнинг ҳақиқий, эркин ва мустақил иродасини англатадими?

Бу саволга жавобни апелляция судида кўрилган бир иш мисолида излаймиз. Гап шундаки, М.Мейлиев (исм-шарифлар ўзгартирилган) 2021 йил 4 октябрдан Пастдарғом тумани Мактабгача ва мактаб таълими бўлимида марказлашган молиявий бухгалтерия хизмати бош мутахассиси вазифасида ишлаб келган.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирининг 2025 йил 13 июндаги буйруғига кўра, Пастдарғом тумани Мактабгача ва мактаб таълими бўлими ҳамда тасарруфидаги умумтаълим мактаблари ва давлат мактабгача таълим ташкилотида бюджет қонунчилигига риоя этилиши юзасидан ички аудит тадбирлари ўтказилган. Аудит текширувлари чоғида бир қатор молиявий хато ва камчиликлар аниқланган.

Вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси зиммасига бир неча ходим, шу жумладан, М.Мейлиев билан амалдаги меҳнат қонунчилигига асосан меҳнат шартномасини бекор қилиш чорасини кўриш вазифаси юклатилган.

(Давоми 2-бетда) ▶

Жамиятимиз мақсади

Маъмурий одил судлов:



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ўзбекистонда маъмурий судлар 2017 йил 1 июлдан фаолият кўрсата бошлаган бўлиб, унинг асосий вазифаларидан бири — давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижасида бузилган ҳуқуқларни суд орқали тиклаш, давлат бошқарувида қонунийликни таъминлаш ва фуқаро билан давлат ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларда суд назоратини кучайтиришдан иборат.

Тақдимотда ўтган давр мобайнида маъмурий судлар томонидан қарийб 150 мингта иш кўриб чиқилгани ва 70 мингдан ортиқ ҳолатда давлат органларининг ноқонуний қарорлари бекор қилингани қайд этилди. Шунингдек, мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан юқори турувчи ёки бошқа ваколатли органларга қарийб 27 мингта хусусий ажрим чиқарилган. Бу рақамлар маъмурий судларнинг давлат органлари фаолияти устидан ҳуқуқий назоратни таъминлашдаги ижобий натижани кўрсатади.

Тақдимотда соҳани янада ривожлантиришнинг кейинги босқичи сифатида илғор хорижий тажриба ва замонавий талаблар асосида қарийб 15 та янги ҳуқуқий институтни жорий этиш таклифи илгари сурилди. Бундан кўзланган асосий мақсад — ҳуқуқи бузилган фуқаронинг судга мурожаат қилиши билан чекланиб қолмасдан, ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш, давлат органларининг қарор қабул қилиш жараёни устидан самарали суд назоратини таъминлашдан иборат.

Эътиборли жиҳатлардан бири — фуқаролар ҳуқуқларини проактив ҳимоя қилиш механизмларини жорий этишдир. Амалда фуқаро ёки тадбиркорнинг маъмурий судга мурожаати асосан бузилган ҳуқуқни тиклашга қаратилган бўлса, янги ёндашув ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш имкониятларини ҳам кенгайтиради. Шу мақсадда судга мурожаат қилишнинг тўрт турдаги даъво шаклини жорий этиш таклиф қилинмоқда. Ушбу даъво турларидан бири ҳисобланган “тақиқлаш” даъвоси айнан ҳуқуқ бузилишининг олдини олишга қаратилади.

Яна бир муҳим масала — судга мурожаат қилиш муддатларини қайта кўриб бўйича киритилган таклифдир. Яъни ҳозирги тартибда белгиланган олти ойлик муддатни қайта кўриб, хусусан, давлат органи томонидан қонун бузилганини тан олишга қаратилган талаб билан судга мурожаат қилишда муддатни чекламаслик ҳақида таклиф киритилди.

Шунингдек, тақдимотда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари устидан суд назорати масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Чунки амалдаги Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бундай қарорлари устидан судга шикоят бериш тартиби мавжуд бўлмаганлиги сабабли ҳокимликларнинг норматив тусдаги қарорларига фуқаролар ва тадбиркорлар ҳақли эътироз билдирган ҳолатда ҳам низолар кўрилмасдан қолиб кетмоқда.

Таклифга кўра, агар маҳаллий ҳокимият органининг норматив-ҳуқуқий ҳужжати фуқаронинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахл қилса, фуқарога бундай ҳужжат устидан бевосита маъмурий судга мурожаат қилиш имконияти берилади. Бу эса, давлат бошқаруви қарорларининг қонунийлиги устидан суд назорати доирасини кенгайтиришга хизмат қилиши мумкин.

Ислоҳотларнинг яна бир муҳим йўналиши — давлат органларининг дискрецион ваколатларидан фойдаланишини суд томонидан текшириш механизмларини кучайтиришдир. Конституциямизнинг 20-моддасида давлат органлари томонидан шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунда белгиланган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Мазкур конституциявий принципдан келиб чиқиб, маъмурий судларга давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан дискрецион ваколатларни амалга оширишда қарорларнинг нафақат қонунийлиги, балки асослилиги ва мутаносиблигини ҳам текшириш ваколатини бериш таклиф қилинмоқда. Бу ёндашув давлат органларига берилган ваколатлардан фойдаланишда фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари билан давлат манфаатлари ўртасида ҳуқуқий мувозанатни таъминлашга қаратилган.

Маъмурий одил судлов самарадорлиги фақат суд қарорининг қабул қилиниши билан эмас, балки унинг амалда ижро этилиши билан ҳам белгиланади. Шу сабабли тақдимотда суд қарорларининг сўзсиз ижросини таъминлашга қаратилган таклифлар ҳам билдирилди.

Таклиф этилаётган механизмга кўра, агар давлат органи мансабдор шахси суд қарорини ижро этмагани учун жаримага тортилганидан кейин ҳам қарорни такроран бажармаса, суд бу ҳақда қонуний чора кўриш учун прокурорга хабар беради. Бундай ёндашув суд қарорларининг мажбурийлигини амалда таъминлаш ва давлат органлари мансабдор шахсларининг суд олдидаги масъулиятини оширишга қаратилган.

Маъмурий одил судловни янада такомиллаштиришга қаратилган янги таклифлар фуқаро ва тадбиркорларнинг давлат органлари билан муносабатларида ҳуқуқий ҳимоя воситаларини кенгайтириш, одил судловни таъминлаш ҳамда давлат органлари устидан самарали суд назоратини кучайтиришга хизмат қилади.

АНДИЖОННИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ: ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ БОШ МЕЗОНГА АЙЛАНАДИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Саноатдаги янги лойиҳаларни малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида Андижонни Фарғона водийсининг муҳандислик кадрлари марказига айлантириш вазифаси қўйилди. Вилоят олийгоҳлари ва техникумларининг салоҳиятини ишлаб чиқариш билан узвий боғлаш зарурлиги таъкидланди.

Андижон техника институти фаолияти трансформация қилинади. Хорижлик менежер ва профессор-ўқитувчилар жалб этилиб, таълим дастурлари янгиланади. Институтда алоҳида дизайнерлик факультети очилиб, дуал таълим асосида саноат корхоналарига бириктирилади.

Ўсиб бораётган саноатни энергия билан таъминлашда вилоятнинг дарё ва каналлари катта захира экани таъкидланди. Андижоннинг гидроэнергетика салоҳияти 200 мегаваттни ташкил этади. Кичик ва микро ГЭСлар қуришга тадбиркорлар қизиқиши юқори, улар учун турбиналар ишлаб чиқариш ҳам вилоятнинг ўзида йўлга қўйилган.

Икки йиллик дастур асосида микро ГЭСларни тайёр ҳолда қуриб, тадбиркорларга лизингга бериш, қулай молиявий механизмларни жорий этиш вазифаси қўйилди.

Аҳолининг замонавий хизматларга ўсиб бораётган талабидан келиб чиқиб, савдо ва сервис учун янги майдонлар яратилади. Давлат ташкилотларини Бобур шаҳрига кўчириш ҳисобига бўшайдиган бинолар ва ерлар шу мақсадга йўналтирилади. Бу қўшимча инвестициялар ва минглаб иш ўринлари учун имконият очади.

Асака, Шаҳрихон, Қўрғонтепа марказлари ва Хонобод шаҳрини ҳам юқори даромадли бизнес ҳудудларига айлантириш белгиланди. Уларнинг бош режалари савдо ва хизматларни ривожлантириш лойиҳаларига мослаштирилади.

Тадбиркорлик имкониятларини кенгайтириш банклар фаолиятига ҳам янгича ёндашувни талаб қилиши таъкидланди. Давлат банклари анъанавий гаров ва бир хил стандарт шартлар билан чекланмасдан, мижозлар бизнесини ўстириш тамойили асосида ишлаши зарур.

Энди реал пул оқими, буюртма ва шартномалар, товар айланмаси ҳамда бизнес занжирига асосланган молиявий маҳсулотлар кенг жорий қилинади. Кичик тадбиркорларнинг йирик буюртмачи билан узоқ муддатли шартномаси кредит гарови сифатида қабул қилинади. 500 миллион сўмгача лойиҳаларни кредитлашда бизнес-режа талаб этилмайди, маблағ пул оқимига қараб ажратилади. Экспортбоп маҳсулот учун хомашё сотиб олиш кредитларида суғурта полисининг ўзи гаров сифатида етарли бўлади.

Солиқ идоралари ҳам тадбиркорларнинг фаолиятини кенгайтириш ва иш ўринларини сақлашга кўмаклашиши кераклиги кўрсатиб ўтилди. Даромади ёки иш ўрни камайган корхоналар муаммоси маҳалланинг ўзида ўрганилади. Солиқ ходими, ҳоким ёрдамчиси ва маҳалла банкири биргаликда солиқ тўловини кечиктириш, кредит муддатини узайтириш, айланма маблағ, бозор ёки экспортга кўмаклашиш бўйича таклифлар киритади.

Вилоятнинг транспорт ва логистика имкониятларини кенгайтириш бўйича ҳам вазифалар белгиланди. “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўли орқали юк оқими ошини ҳисобга олиб, Қўрғонтепа ва Хонободда 600 миллион долларлик логистика комплекси лойиҳаси бошланади. Қирғизистон билан келишилган “Кесканёр” чегара постини қуриш юк ташиш ҳажмини ошириш ва муддатини қисқартиришга хизмат қилади.

Янги транспорт оқимига мос равишда “Хонобод – Андижон” пулли автомобиль йўлини лойиҳалашга киришилади. Шу ойдан “Тошкент – Андижон” тезюрар поезди йўлга қўйилиб, сафар вақти олти соатдан тўрт соатга қисқаргани қайд этилди. Келгуси йил ушбу йўналишда пуллик автомобиль йўлини қуриш бўйича амалий ишлар бошланади.

Аҳоли учун муносиб яшаш шароитини яратиш масалалари муҳокама қилиниб, Бобур шаҳридаги уйларга 25 минг аҳоли кўчиб ўтгани, яна 200 минг кишига мўлжалланган уй-жойлар қурилиши бошлангани таъкидланди.

Янги шаҳарда савдо, бизнес, меҳмонхона, хусусий таълим, тиббиёт ва спорт объектларини барпо этадиган тадбиркорлар қўллаб-қувватланади. Бундай объектларда инвестициянинг қайтиш муддати узоқлигини ҳисобга олиб, ернинг бошланғич нархини уй-жой қурилишига нисбатан икки баробар арзон белгилашга розилик билдирилди.

Андижон шаҳрида янги йўлўтказгичлар қуриш, Асака тумани марказини айланиб ўтувчи кўприкни ишга тушириш режалари белгиланди. Ичимлик суви ва канализация тизимларини янгилаш ҳам давом эттирилади. Хонобод – Андижон магистрал қувурининг иккинчи тармоғи қурилиши бир миллион аҳолининг сув таъминотини яхшилайди. Андижон шаҳрида канализация тармоқлари янгиланиб, Олтинкўлдаги оқова сув тозалаш иншооти қуввати оширилади.

Хотин-қизлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Фарзандини боғчага жойлаштира олмагани учун ишга чиқа олмаётган аёлларга шароит яратиш мақсадида янги оилавий боғчаларни очиш масаласини тезлаштириш топширилди. Вилоятда аёлларни иш билан таъминлаш учун 20 миллион долларлик алоҳида жамғарма ташкил этилади.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашда рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш белгиланди. Андижон шаҳри, Шаҳрихон ва Андижон туманлари ички ишлар раҳбарларига рақамлаштириш ҳамда кибержиноятларга қарши курашиш бўйича ўринбосар лавозимлари жорий этилади. Сунъий интеллект ёрдамида ҳуқуқбузарликлар ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш чоралари кўрилади. Аҳолининг киберҳужумлардан ҳимояланиш бўйича билимлари оширилади.

Давлатимиз раҳбари маҳаллалар ободлиги ҳар бир инсоннинг меҳнати ва дахлдорлиги билан яратилишини таъкидлади. Келгуси йил Андижонда 100 та маҳаллага “Янги Ўзбекистон қиёфаси”ни олиб кириш режасини тайёрлаш топширилди.

Якунда мутасаддиларнинг ахбороти тингланди, андижонликлар билан мулоқот қилинди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Андижон вилоятига ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБОЕВ,
Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА махсус мухбирлари

Тараққиётнинг янги манзараси:

қад ростлаётган янги корхоналар ва ўзгараётган ҳаёт

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Хусусан, 23 сентябрь куни Президентимиз иштирокидаги маросимда умумий қиймати 9 миллиард 400 миллион долларлик 206 та лойиҳа қамраб олиниб, улардан 2 миллиард 50 миллион долларлик 98 таси ишга туширилди, 7 миллиард 350 миллион долларлик 108 та объектнинг қурилиши бошланди. Энергетика, тўқимачилик, машинасозлик, таълим ва соғлиқни сақлаш каби муҳим соҳаларни қамраб олган ҳамда вилоятнинг 16 та шаҳар ва туманини ўз ичига олган мазкур ташаббуслар натижасида 45 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилиб, йилига 60,6 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва 533 миллион долларлик экспорт имконияти шаклланиши таъминланади.

Бу каби масштабли бунёдкорлик ва инфратузилма янгиланишлари қаторида ҳудудда саноат тармоқлари ҳам жадал ривожланмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбари Андижон туманидаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи “Eco Cotton” корхонаси фаолияти билан танишди. Пахта толасини чуқур қайта ишлашни қўллаб-қувватлашга қаратилган қарор ижроси доирасида барпо этилган мазкур корхона тадбиркор томонидан 10 миллион доллар сармоя киритилиб, 1 мингта доимий иш ўрни яратилди. Корхона тўлиқ қувват билан ишлаганда давлат бюджетига йилига 25 миллиард сўм тушум келтириши кутилмоқда.

Мамлакатимизда ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланиш ва адирликларни ўзлаштириш сиёсатининг яққол намунаси сифатида Хўжаобод туманидаги “Андижон технопарки” лойиҳасини келтириш мумкин. Адирликларни ўзлаштириш ҳисобига ажратилган 100 гектар майдонда 51 та саноат корхонасини жойлаштириш режалаштирилган.

Технопаркда Хитойнинг “Sanchuan” ҳамда “Huawei” компаниялари ҳамкорлигида қиймати 25 миллион долларлик “ақлли” сув ҳисоблагичлари ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилди. Бу ердаги жараёнларнинг 80 фоизи роботлаштирилган бўлиб, йилига 1 миллион дона замонавий ҳисоблагич тайёрланади. Бу эса сув ресурсларини тежаш ва тизимни рақамлаштиришда муҳим қадам бўлади.

Вилоятимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва янгиланишлар биз, депутатлар зиммасига ҳар қачонгидан ҳам улкан масъулият юклайди. Қабул қилинаётган ҳар бир қарор ва амалга ошаётган эзгу ишларнинг ижросини яқиндан қўллаб-қувватлаб, юртдошларимизнинг розилигига эришиш – энг асосий вазифамизга айланади.

Мавлуда АДҲАМЖОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзоси.
ЎзА

Қонун кўмаги

«Ўз хоҳишига кўра

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бироқ, ажабланарли томони шундаки, М.Мейлиев билан меҳнат шартномасини бекор қилиш лозимлиги ҳақидаги тақдимнома туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлимига расман келиб тушмаган.

М.Мейлиев фаолияти давомида йўл қўйган хато-камчиликлари учун интизомий ёки суд томонидан бирон-бир жазога тортилмаган. Шундай бўлса-да, ходимлар бўлими бошлиғи “ишдан бўшашга ўз хоҳишинг билан ариза ёзиб бер, акс ҳолда, қонун талаби асосида бўшатамиз” дея М.Мейлиевнинг ҳол-жонига қўймаган.

Бу ҳол бир неча кун давом этган, аммо у талабни бажармай юрган. Бир куни ходимлар бўлими бошлиғи уни ўзининг хонасига бошлаб кириб, ишдан бўшатишни сўраб ариза ёзган ҳамкасби Ж.Эгамбердиевнинг аризасини намуна тариқасида қўлига тутқазган ва худди шу тарзда ёзиб беришни тайинлаган.

Бундай пайтда М. Мейлиев ночор қолади ва шу сабабли ариза ёзиб беради. Бу тушликка қадар бўлган гап. Куннинг иккинчи ярмига ўтиб, соат ўн беш-у ўттизларда ёзган аризаси моҳиятини англаб, қаттиқ тушкунликка тушади ва яна қўлига қоғоз-қалам олади. Бу сафар у Мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи номига ёзган аризасига қарши ариза ёзади.

Раҳбарнинг қабулхонасига кирса, бўлим бошлиғи хонасида йўқ, қаергадир иш билан чиқиб кетган экан. Аризани котибага қолдиради. Аммо кейинги ёзган аризаси натижасиз қолади.

Қисқаси, Мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғининг 2025 йил 29 августдаги буйруғига кўра, М.Мейлиев билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади. Буйруқда ишдан бўшатишга асос сифатида Меҳнат кодексининг 160-моддаси 8-қисми ҳамда ходимнинг аризаси кўрсатилган.

Демак, расмий ҳужжатларга кўра,

Вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси биринчи босқич судининг 2026 йил 28 январдаги ҳал қилув қарорини бекор қилди ва янги қарор қабул қилди. Унга кўра, туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғининг 2025 йил 29 августдаги буйруғи ноқонуний деб топилди ва бекор қилинди.

ишдан бўшатишнинг асоси — ходимнинг ташаббуси, яъни “ўз хоҳишига кўра” ёзилган ариза. Аммо эътибор қилган бўлсангиз, низонинг асосий моҳияти шундаки, ходим бу аризани, ҳақиқатан ҳам, ўз хоҳиши билан ёзмаган, аксинча, ариза иш берувчи томонидан қистов натижасида ёздирилган.

М.Мейлиев судга мурожаат қилиб, аризани ихтиёрий равишда эмас, балки қистов остида ёзганини билдирган. Унинг сўзларига кўра, ташкилотдаги текширувлардан кейин бир неча ходимдан ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзиш талаб қилинган.

Даъвогарнинг сўзларига кўра, ходимлар бўлими ходими унга бошқа бир ходимнинг аризасини намуна сифатида кўрсатган ва шунга ўхшатиб ариза ёзишни айтган. Ходим эса, кейинчалик ўз аризасини қайтариб олишга ҳаракат қилгани, лекин ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқ барибир чиқарилганини таъкидлайди.

Шунингдек, даъвогар буйруқ билан расман таништирилмагани, меҳнат дафтарчаси ўз вақтида берилмагани, якуний ҳисоб-китоб ва бошқа тўловлар бўйича ҳам ҳуқуқлари бузилганини билдирди. Ўзини ишга тиклаб, мажбурий прогул учун иш ҳақи, компенсация ва маънавий зарар ундириб беришни сўради.

Бунда биринчи босқич суди ходим ўз хоҳиши билан ариза ёзган, иш берувчи томонидан босим ўтказилгани исботланмаган, деган хулосага келган. Ташкилотда ички аудит текшируви давомида бир қатор молиявий хато-камчиликлар аниқланганлигини инобатга олиб, даъвогарнинг талабларини рад этган.

Апелляция судлов ҳайъати ишни қайта кўриб чиқиб, биринчи босқич судининг бу хулосасини етарлича асосланмаган деб баҳолади.

Иш учун муҳим ҳолатларни тўлиқ аниқланмаган, ходимнинг аризаси, ҳақиқатан ҳам, эркин ирода асосида ёзилганми-йўқми деган масалага етарлича баҳо берилмаган, деган хулосага келди. Бу ўринда энг муҳим далиллардан бири — жавобгар вакили С. Баҳриддиновнинг апелляция судида ҳақиқатни юзага чиқарувчи, адолатли тўхтамга келишга йўл очган кўрсатмаси бўлди.

● *Моҳият*

Судлар иш юкламасини КАМАЙТИРИШ — одил судлов самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шу маънода, Олий Мажлис Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан **“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”**ги қонун маъқулланган муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлаш лозим. Чунки айни қонун ҳам – фуқаролар ва тадбиркорларнинг оворагарчилигига чек қўйиш, низосиз талабларни бюрократик тўсиқларсиз, тезкор тартибда расмийлаштириш ва ижрога қаратиш ҳамда суд қарорларининг ўз вақтида, сўзсиз ва самарали ижро этилишини таъминлаш йўлидаги муҳим қадамлардан биридир.

Давлатимиз раҳбари томонидан тасдиқланган **“Ўзбекистон – 2030”** стратегиясида инсон қадрини улуғлаш, тадбиркорлик субъектлари учун қулай ҳуқуқий ва бизнес муҳитини яратиш ҳамда одил судлов механизмларини соддалаштириш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Бироқ амалиёт низосиз талабларни суд тартибида кўриб чиқиш ҳам судлар иш юкламасининг ортишига, фуқаролар ва тадбиркорларнинг вақти ҳамда маблағи сарфланишига олиб келаётганини кўрсатмоқда. Масалан, судлар томонидан суд буйруғи тартибида кўрилган ишлар сони 2022 йилда 301 минг, 2023 йилда 483 минг, 2024 йилда эса, 964 мингдан ошган.

Бу рақамлар низосиз талабларни кўриб чиқишнинг содда ва муқобил механизмларини янада ривожлантириш зарурлигини тасдиқлайди.

Суд тизимидаги юкламанинг юқорилиги судьяларнинг эътиборини мураккаб ва жиддий низоли ишларга қаратишига маълум даражада ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, ижро ишларининг секинлашуви,

Давлатимиз раҳбари томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида инсон қадрини улуғлаш, тадбиркорлик субъектлари учун қулай ҳуқуқий ва бизнес муҳитини яратиш ҳамда одил судлов механизмларини соддалаштириш устувор вазифа этиб белгиланган.

суд қарорлари ижросини тўхтатиб туришни суиистеъмол қилиш ҳолатлари фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу маънода, ушбу янги қонун билан Фуқаролик процессуал ва Иқтисодий процессуал кодексларга, **“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”**ги ҳамда **“Давлат божи тўғрисида”**ги қонунларга:

– низосиз талаблар бўйича суд буйруғини чиқариш доирасини қисқартиришни;

– нотариат фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этишни;

– нотариус томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар учун ундириладиган тўловларни оптималлаштиришни;

– қонуний кучга кирган суд ҳужжати устидан шикоят қилинганда унинг ижросини юқори инстанция судида тўхтатиб туриш механизмини такомиллаштиришни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилаётгани диққатга моликдир.

Янги қонунда алоҳида эътибор қаратилган асосий йўналишларга мухтасар тўхталамиз.

Биринчидан, **“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”**ги қонуннинг 7-моддаси 2-қисмига киритилаётган ўзгартиш орқали электрон ижро тизимига нотариуслар томонидан расмийлаштириладиган ижро хатлари ҳам тўлиқ интеграция қилинмоқда.

Яъни эндиликда нафақат судьянинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган ижро варақаси ва суд буйруғи, балки нотариуснинг QR-кодли имзоси билан тасдиқланган ижро хати ҳам рақамли шаклда, ахборот тизимлари орқали тўғридан-тўғри ва тезкорлик билан ижрога тақдим этилиши мумкин. Бу, ўз навбатида, қоғозбозлик ва ҳужжатларни қўлда етказиш билан боғлиқ ортиқча жараёнларни қисқартириб, ижро ҳужжатларининг ҳаракатланишини тезлаштиради ва жараён шаффофлигини оширади.

Иккинчидан, Фуқаролик процессуал кодексга киритилаётган муҳим ўзгаришга кўра, қонунда белгиланган мезонларга мос, базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 бараваригача бўлган низосиз талаблар бўйича нотариусга мурожаат қилиш имконияти кенгаймоқда.

Бу орқали бундай талабларни суд тартибида кўриб чиқишга мурожаат қилмасдан, нотариус орқали расмийлаштириш ва ижрога қаратиш имконияти яратилади. Энг муҳими, бундай қадам судларнинг иш юкламасини камайтиришга хизмат қилади.

Учинчидан, Иқтисодий-процессуал кодексга суд буйруғи бериш доирасининг қисқартирилиши ҳамда суд ҳужжати ижросини тўхтатиб туриш механизмларини аниқлаштиришга оид муҳим ўзгартишлар киритилмоқда.

Шу каби талаблар апелляция, кассация ва тафтиш инстанцияларида ҳам қўлланилиб, ижрони тўхтатиб туриш учун асосларни аниқлаштириш назарда тутилмоқда.

Амалиётда айрим ҳолатларда қонуний кучга кирган ва юқори инстанция судида низолашилаётган суд ҳужжатларининг ижросини асоссиз тарзда тўхтатиб туриш орқали ижрони сунъий равишда кечиктириш ҳолатлари учрамоқда.

Янги нормага кўра, эндиликда суд ҳужжати ижросини тўхтатиб туришни сўраган шахс бундай чорани қўлламаслик қайтарма ижрони қийинлаштириши ёки уни бажариб бўлмайдиган қилиб қўйиши мумкинлигини асослаши талаб этилади.

Бу норма процессуал суиистеъмолликларга чек қўйиб, ижро интизомини мустаҳкамлайди.

Тўртинчидан, **“Давлат божи тўғрисида”**ги қонун иловасидаги давлат божи ставкаларининг нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун қисми, хусусан, 4-банд “ғ” кичик банди янги таҳрирда баён этилмоқда. Унга мувофиқ, нотариуслар томонидан ижро хатларини ёзиб берганлик учун ундириладиган давлат божи ставкаси ундириладиган сумманинг 1 фоизи миқдорида сақлаб қолинади, бироқ унинг энг кам миқдори ўрнатилмоқда.

Яъни давлат божи миқдори ундириладиган сумманинг 1 фоизи, лекин базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда белгиланмоқда. Бу ўзгариш нотариал ҳаракатлар учун ундириладиган давлат божи миқдорини мақбуллаштиришга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтганда, янги қонуннинг амалиётга тўлиқ татбиқ этилиши натижасида:

– фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда нотариат институтининг ўрни янада мустаҳкамланади;

– айрим низосиз талаблар бўйича ҳуқуқий ва процессуал механизмлар соддалаштирилади;

– судларнинг иш юкламаси камайиб, судьяларнинг диққат-эътибори мураккаб ҳуқуқий низоларни холис ва пухта кўриб чиқишга қаратилади;

– суд қарорлари ва нотариуснинг ижро хатлари ўз вақтида, электрон шаклда ва тезкорлик билан ижро этилиши таъминланади.



Миллий амалиёт ва хорижий тажриба

Барнахус модели:

Ўзбекистон одил судловига қандай янги ёндашув олиб киради?



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бола суд залининг ўзи, судья либоси, нотаниш одамлар, айбланувчининг иштироки, юридик атамалар ва савол бериш услубидан ҳам қўрқиши мумкин. Шу сабабли бундай ишларни кўрувчи судья фақат жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни билиши билан чекланмаслиги керак. Боланинг психологияси, жароҳатнинг хотира ва нутққа таъсири, болага савол бериш методикаси, жинсий зўравонликдан кейинги руҳий реакциялар ва иккиламчи жабрланиш хавфи бўйича ҳам махсус кўникма талаб этилади.

Шу мақсадда 2026 йил 7-8 июль кунлари Болалар омбудсмани ва Олий суд томонидан ЕХҲТ ҳамда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари билан ҳамкорликда “Жинсий зўравонлик ва одам савдоси қурбони бўлган болаларга оид жиноят ишларини судда кўриб чиқишда болалар манфаатларини ҳисобга олувчи ёндашувларни қўллаш” мавзусида икки кунлик амалий семинар-тренинг ташкил этилди.

Тренингда болага дўстона одил судлов, уни қайта жароҳат олишига йўл қўймасдан жиноят ишини юритиш, жинсий зўравонликнинг болага таъсири ҳамда суд-тергов жараёнида бола билан мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари муҳокама қилинди.

Шу ўринда яна ҳақли савол туғилади: хўш, Барнахус модели амалиётга қандай жорий этилади, ушбу институт мамлакатимиз одил судловига қандай ижобий ёндашувларни олиб киради?

Энди шу саволларга жавоб излайдиган бўлсак, масалан, бола жинсий зўравонликка учрагани ҳақида хабар берди, дейлик. Айни пайтдаги анъанавий тизимда у зудлик билан турли идораларга олиб борилиши мумкин. Барнахус моделида эса, асосий мутахассислар бир жойда ёки ягона мувофиқлаштирилган тизимда ҳаракат қилади.

Яъни бунда бола учун махсус тайёрланган, суд ёки ички ишлар идорасининг расмий муҳитини эслатмайдиган хона мавжуд бўлади. Суҳбатни болалар билан ишлаш бўйича махсус тайёргарликдан ўтган мутахассис ўтказади. Саволлар боланинг ёши, ривожланиш даражаси, тили ва индивидуал хусусиятларига мос равишда танланади.

Суҳбат аудио-видео воситалари билан қайд этилади. Зарур процессуал кафолатлар таъминланган ҳолда терговчи, прокурор ёки бошқа тегишли мутахассислар суҳбатни алоҳида хонадан кузатишлари мумкин. Натижада болани ҳар бир идора алоҳида чақириб, бир хил воқеани қайта-қайта сўрашга зарурат қолмайди. Бир вақтнинг ўзида болага тиббий текширув, психологик баҳолаш ва терапевтик ёрдам ҳам ташкил қилинади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, Барнахус модели биринчи марта 1998 йилда Исландияда ташкил этилган. Аслида, бу модел АҚШдаги «Child Advocacy Center» тажрибасига асосланган бўлса-да, Исландияда ушбу ғоя ижтимоий ҳимоя ва одил судлов тизими билан бирлаштирилди.

Кейинчалик ушбу модель Швеция, Норвегия, Дания ва Финляндияда ҳам жорий этилди. Европа Кенгашининг сўнгги қиёсий маълумотларига кўра, бугунги кунда Барнахус ёки унга ўхшаш хизматлар Европа Кенгашининг 22 та аъзо давлатида амал қилмоқда.

Исландия моделининг энг муҳим хусусияти — судья, прокурор, полиция, ижтимоий хизмат, психолог ва суд-тиббий мутахассислари фаолиятини болага дўстона муҳитда бирлаштиришдан иборатдир. Содда қилиб айтганда, бола суд муҳитига мослашишга мажбур қилинмайди, аксинча, мутахассислар унинг олдига келади.

Бунда суд-тиббий аҳамиятга эга суҳбат аудио-видео тарзда қайд қилинади ва бу болани кейин яна бир неча бор сўроқ қилиш эҳтиёжини камайтиради.

Европа Кенгаши Исландияда жорий этилган Барнахус моделини жиноий ва ижтимоий ҳимоя йўналишларини болага хавфсиз муҳитда мувофиқлаштирадиган энг яхши амалиёт сифатида эътироф этади. Негаки, ғоя жуда аниқ: жиноят иши учун боладан маълумот олиш зарурати туғилса, давлат бу маълумотни болага имкон қадар кам зарар етказган ҳолда олиши керак.

Швеция Барнахус моделини 2000 йилнинг ўрталарида қўллай бошлаган. Бу мамлакатда ушбу модель полиция, прокуратура, ижтимоий хизмат ва тиббиёт соҳаларининг маҳаллий ҳамкорлигига кўпроқ таянади.

Барнахус моделининг одил судловни таъминлашдаги ўзига хос жиҳатларининг энг муҳим шарти боланинг устувор манфаатидир. Иккинчидан, идоралараро ва кўп тармоқли ҳамкорлик, болага дўстона муҳит, такрорий сўроқларни имкон қадар камайтириш, тиббий, психологик ва ижтимоий ёрдамнинг кечиктирилмаслиги, боланинг фикрини эшитиш ва унга тушунарли ахборот бериш, махфийлик ва шахсий ҳаёт дахлсизлиги таъминланади.

Европанинг Барнахус модели сифат стандартларида ҳам боланинг энг устувор манфаати, иштирок этиш ҳуқуқи, асоссиз кечикишларга йўл қўймаслик, идоралараро ҳамкорлик, болага дўстона муҳит, ишни биргаликда бошқариш, махсус сўроқ, тиббий кўрик, терапевтик хизмат ва мутахассислар малакасини ошириш асосий йўналишлар сифатида белгиланган.

Фикримизча, Ўзбекистонда Барнахус моделининг амалий механизми миллий Жиноят-процессуал кодекс, суд амалиёти ва ҳимоя ҳуқуқи кафолатлари билан уйғунлаштирилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса ўрнида айтганда, Барнахус моделининг мамлакатимизда жорий этилиши болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимида оддий ташкилий янгилик эмас. У жиноят процессига бўлган ёндашувни ўзгартириш имкониятидир. Шундай экан, болалар учун дўстона одил судлов жиноят содир этилганидан кейин фақат адолатни қарор топтириш эмас, балки жиноятдан жабрланган боланинг келажагини ҳам асраб қолишдир.

Зарифа АҲМЕДОВА,
жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди судьяси

ёзилган ариза» қистов натижаси бўлиб чиқди



У даъвогар М.Мейлиевга раҳбар номидан ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзишини айтганини тан олди.

Олий суд Пленумининг меҳнат шартномасини бекор қилиш бўйича тушунтиришларида ходимнинг ариза ёзишга мажбурлангани ҳақидаги важлар синчковлик билан текширилиши лозимлиги кўрсатилган. Бунда фақат очиқ мажбурлаш, қўрқитиш ёки тазйиқ эмас, балки ходимда ишдан кетиш истаги бўлмаса-да, иш берувчининг уни ариза ёзишга фаол равишда ундаши ҳам қистов сифатида баҳоланиши мумкин.

Шу сабабли апелляция суди “ходим ариза ёзган экан, демак, ишдан бўшатиш қонуний” деган ёндашувни етарли деб топмади. Чунки иш берувчи ходимни интизомий ёки бошқа қонуний асослар билан ишдан бўшатиш ўрнига, ундан “ўз хоҳишига кўра” ариза олиш йўлини танлаган.

Яна бир муҳим жиҳат — даъвогар М. Мейлиев билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда Меҳнат кодексининг 160-моддаси 8-қисми қўлланган ўринсиз. Ушбу норма, асосан, ходим ишни давом эттира олмайдиган ҳолатларда, масалан, таълим ташкилотига қабул қилинганда, пенсияга чиққанда, сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланганда ёки бошқа шунга ўхшаш ҳолатларда меҳнат шартномасини ходим сўраган муддатда бекор қилишни назарда тутади. М.Мейлиевнинг аризасида эса, бундай ҳолатлар кўрсатилмаган.

Вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси биринчи босқич судининг 2026 йил 28 январдаги ҳал қилув қарорини бекор қилди ва янги қарор қабул қилди. Унга кўра, туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғининг 2025 йил 29 августдаги буйруғи ноқонуний деб топилди ва бекор қилинди.

М.Мейлиев Пастдарғом тумани Мактабгача ва мактаб таълими бўлими Марказлашган молия-бухгалтерия маркази бош мутахассиси вазифасига ишга тикланди.

Жавобгар ташкилотдан даъвогар фойдасига 45 миллион 942 минг 364 сўм мажбурий прогул вақти учун иш ҳақи ундирилиши белгиланди. Шунингдек, даъвогар фойдасига 6 миллион сўм маънавий зарар ундирилди.

Бундан ташқари жавобгар ташкилотдан давлат фойдасига 5 миллион 228 минг 541 сўм давлат божи ундириладиган бўлди. Суд даъвони қисман қаноатлантирди, даъвогарнинг меҳнат дафтарчасини ўз вақтида олмаганлиги ва якуний ҳисоб-китоблар кечиктирилгани учун компенсациялар ундириш ҳақидаги талаблари рад этилди.

Хулоса қилиб айтганда, “ўз хоҳишига кўра” ёзилган ариза қистов натижаси бўлиб чиқди. Мазкур меҳнат низоси шуни кўрсатадики, бу тарзда ишдан бўшатиш қонуний бўлиши учун ариза, ҳақиқатан ҳам, ходимнинг эркин хоҳиши билан ёзилган бўлиши лозим. Агар ходим ишдан кетишни истамаган бўлсаю, иш берувчи уни ариза ёзишга ундаган ёки қистов ўтказган бўлса, бундай ишдан бўшатиш ғайриқонуний ҳисобланади.

Отабек ТЕМИРОВ,
Самарқанд вилояти суди судьяси

Халқимиз ҳалол ва фидоий меҳнат ортидан топилган ризқ-насибани юксак қадрлайди. Бемеҳнат бойликка ружу қўйган кимсаларни эса, қаттиқ қоралайди. Табиийки, нопок йўл билан топилган луқма охир-оқибат кишини аянчли қисматга гирифтор этади.

Жиноятга жазо муқаррар

Нафс гирдоби

Айни шундай қисматга кечмиш йили Давлат кадастрлар палатаси Хоразм вилояти бошқармаси Гурлан тумани филиали бошлиғи лавозимида ишлаган Зоҳид Оллаберганов ҳам дуч келди: балои-нафсни жиловлай олмасликнинг оқибати шу бўлди. Унга оид воқеа фуқаро М.Қўчқоровaнинг мурожаати билан боғлиқ ҳолатда рўй берди. Бундай қаралса, аризада илгари сурилган талаб: нотурар бинони турар жой тоифасига ўтказишни рад этиш учун жўяли асос йўқ эди. Фуқаро мазкур иморатни турар жой обьектлари тоифасига ўтказишни сўраб, дастлаб туман Архитектура, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимига мурожаат қилган.

Бу мурожаат тегишли ҳужжатлар, қурилиш-бинокорлик соҳаси мутахасисларининг фикр-мулоҳазаларига таянган ҳолда атрофлича ўрганиб чиқилган ва ижобий хулоса берилган. Ўз навбатида, М.Қўчқорова ушбу хулосани туман кадастр идорасига тақдим этган. Унинг қонуний талаби мазкур идорада ҳам атрофлича ўрганилган. Бу жараёнда яна қатор зарурий ҳужжатлар тўпланган, айримлари янгидан расмийлаштирилган.

(Давоми 4-бетда) ▶

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ойимлар учун. Стулда ўтиролмайдилар. Кўрпачада ўтирадилар. Кейин қишда сандал қўйиш мумкин бўларди.

Шу хонага жуда ўрганиб қолдилар. Қачон бормай шу хонада ўтирганларини кўрардим. Ё китоб ўқиб ўтирардилар, ё бирон нарса қавиб-тикиб ўтирардилар. Кўпинча, Ҳакимбек амаким чиқиб турарди. У кишига ҳам Музроб аканг билан бирга иккита участка ажратилган, девор орқаси уларнинг ҳовлиси эди.

Бир куни борганимда ойим «Одам бўлиш қийин»ни ўқиб ўтирибдилар.

Мени кўриб қизариб кетдилар. Менинг китобимни ўқиётганларидан уялиб, дарҳол ёстиқ тагига яширдилар. Аммо кўриб қолганимни пайқадилар. Ўзларини тутиб олиб, кўришганимиздан кейин:

— Яхши ёзгансан, — дедилар.

Биринчи ва охирги марта ўз қулоғим билан уларнинг мақтовларини эшитдим шунда. Менсиз китобларим ҳақида гапиришларини, деярли ҳамма қиссаларимни ўқиганларини билардим. «Севгим-севгилим», «Жўра қишлоқ» у кишига жуда ёққанини ҳам эшитгандим. Аммо ўзимга ҳеч нарса демасдилар.

Охирги марта ойимларни ўлимларидан бир кун олдин, тўғрироғи, ярим кун олдин кўрдим. Борганимда ўз хоналарида ухлаб ётган эдилар. Аммо мен келганимни дарҳол сезиб, бошларини кўтардилар. Кўришдик. Хурсанд бўлдилар, маошимдан озгина берган эдим, дуо қилдилар. Бирпас гаплашиб ўтирдик. Кечқурун аҳволлари ёмонлашибди. «Тез ёрдам”да касалхонага олиб боришибди. Кечаси оламдан ўтганлари ҳақида хабар келди. Ўша заҳотиёқ касалхонага жўнадим. Бир соатлардан сўнг уйга олиб келдик.

Ойим шовқин-суронсиз, шикоятсиз, сокин, тинч умр кечирдилар. Шундай сокин, тинч, шикоятсиз оламдан ўтдилар.

Шифокорлар имконлари борича, у кишининг оғриқсиз, узоқ умр кўришларига ҳаракат қилишди. Аммо ҳамманинг пешонасига ёзилгани бўлади. Саксон икки йил яшаб, ойимнинг бировга оғирликлари тушганини, бировдан ўпкаланганларини билмайман. Ойим чинакам ўзбек аёли эдилар.

* * *

Уч ҳафталик танаффусдан сўнг

Тарих тилсимлари

ҚИЗИМГА мактублар

Рихсивой Раҳмонович Муҳамедов синглиси Азиза билан оналарини яна даволашни давом эттириш учун марказга олиб келишди. У анча ҳурсанд эди.

— Нон еяптилар! — деди мени кўргани кирганида кўзлари чарақлаб. — Чайнаб едирардик. Энди ўзлари еяптилар. Ранглари ҳам кириб қолди.

Мен бу хабардан хурсанд бўлиб кетдим. Табрикладим.

Рихсивой Раҳмонович менинг аҳволимни суриштирди. Республика ҳукумати нима лозим бўлса, шуни қилишга тайёр, тортинмай айтинг, деди. Мен ўз номимдан, опанг номидан ҳукуматимизга, унинг раҳбарларига чин юракдан яна чуқур миннатдорлик билдирдим. Менинг ҳам аҳволим тузуклигини айтдим. Рихсивой Раҳмонович хурсанд бўлиб чиқиб кетди. Ҳамма сўраганларга салом айтиб қўйишни илтимос қилдим.

Узун даҳлизда унинг орқасидан қараб туриб, бир ривоят эсимга тушиб кетди. Бадавлат бир одам онасини опичлаб ҳажга, Маккага олиб боришди. Қайтиб келиб, Худога мурожаат қилибди:

— Э Худо, айт энди, фарзандлик қарзимдан қутулдимми?

Шунда:

— Онангнинг сени ўстираман, деб чеккан бир тунлик азобидан қутулдинг, — деган нидо келибди осмондан.

Рихсивой Раҳмонович онасини Маккага олиб боргани йўқ. Лекин унинг умрини узайтирди, унинг дилига яшаш умидини солди.

Қани энди ҳамма фарзандлар ота-оналарига шундай муносабатда бўлсалар! Ота-онага ҳурмат — элга, юртга ҳурмат, деган гап. Шундай фарзандлари бор эл, юрт кам бўлмайди, бирига ўн, юз қўшилиб, турмуши яхши бўлиб кетаверади. Шундай фарзандлари бўлган эл — ўзини бахтли эл, шундай фарзандлари бўлган ота-она ўзини бахтли ота-она ҳисоблайди.

Умида, қизим, мен ҳам ўзимни бахтли одамлардан ҳисоблайман. Менинг бахтимга сен борсан. Менинг бахтимга опанг бор. Билмадим, агар опанг бўлмаганда бу мушкул дард азобларига чидолмай, лозим харажатларни қилолмай аллақачон оламдан ўтиб кетармидим? Албатта, пешонага ёзилгани, тақдирдаги бўлади. Аввало, Худога минг қатла шукр, унинг марҳамати билан аста-секин тузалиб келаётганга ўхшайман. Опангнинг ёнимдалигидан бошим осмонда, у доим менга далда, мададкор. Шафқатли Худо уни менга учраштирганидан, бир ёстиққа у билан бош қўйиб, бирга яшаб келаётганимиз билан бахтлиман.

Биласан, Москвага бориб даволанишимнинг асосий сабабчиси, ташкилотчиси опанг. Яхши ҳам келдим. Ҳозир анча кўнглим тинч. Аммо дилимни бир афсус кемиряпти. Сенинг ҳозир авжи ўйнаб-куладиган вақтинг, опанг ҳам ишдан кўнгли равшан, роҳат қилиб яшайдиган, турли сафарларга чиқиб, санаторийларга бориб дам оладиган, соғлиғини қувватлайдиган бир ёшда. Ана шундай бир пайтда мен бетоб бўлиб қолдим. Уч йилдан бери менинг дардим билан яшаяпсизлар. Опанг бечора эзилиб кетди. Мен ўзимни бундай қаришимни, сизларни ўз ташвиш-ғамларингиз, орзу, умидларингиз билан ёлғиз ташлаб қўйишимни кутмаган эдим. Ҳали ҳам Худога шукр қиламан, эсим жойида, қўл-оёғим бут... Мен ётган палата марказнинг ўнинчи қаватида. Катта деразаси кўчага қараган. Азонда, ҳали чироқлар ўчмасдан шаҳарда ҳаёт бошланганини шу деразадан томоша қилиб туриб, ният қиламан. Худо, ўзинг менга шифо бер дейман, қизимнинг, хотиним, укаларимнинг бахтига тузалиб, ўз оёғим билан она юртимга кириб борай, дейман. Агар умр берсанг, кўз юмгунимча ҳаётимни тоат-ибодатда, одамларга яхшилик қилиб ўтказаман, дейман. Зора, шундай бўлса! Худонинг марҳамати улуғ, у ҳамма нарсага қодир. Ажаб эмас, у менинг илтижоларимга қулоқ солса! Ўзим бош бўлиб тўйингни ўтказсам, мустақил ҳаёт, мустақил хизмат бошлаганингни кўрсам!.. Шунда тинч бўлардим.

Биламан, сен ақлли қизсан, опангга ўхшайсан кўп жиҳатларинг билан. Турмушинг яхши бўлиши, одамлар билан тил топишиб, обруйингни тушурмасдан ишлашингга ишонаман. Лекин барибир, орзуга айб йўқ, дейишади.

(Давоми келгуси сонда)

Жиноятга жазо муқаррар

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Хайриятки, бари муаммоларсиз ечим топган. Тоифасини ўзгартириш ва давлат рўйхатидан ўтказилиши назарда тутилган ушбу бинони З.Оллабергановнинг ўзи ҳам бориб кўрган. Мурожаат юзасидан амалга оширилган тадбирлар якуни идора мутасадилари ва мутахассислари томонидан расман кўриб ҳам чиқилган.

Зикр қилинганидек, аризачининг талабини қаноатлантирмаслик учун асос ва сабаблар топилмаган. Пировардида ишни М.Қўчқоровaнинг фойдасига ҳал этиш хусусида бир тўхтамга келинган ва ҳужжатларни якуний хулосага келиш учун юқори турувчи маҳкама – кадастрлар палатаси вилоят бошқармасига тақдим этишга бориб тақалган. Аммо сўровнинг ечими айни шу паллада боши берк кўчага кирган: андаккина муаммо туғилган. Аниқроғи, уни кимсан бошлиқнинг шахсан ўзи “кашф” этган. У негадир тўпланган ҳужжатларни юқори турувчи маҳкамага тақдим қилиш ва масаланинг ечимини сўрашга шошилмаган. Аризачи М.Қўчқорова эса, бошлиқнинг ҳузурига қатнайвериб, овора бўлган.

М.Қўчқорова аризасида баён этилган масалаларни ҳал этиб беришни сўраб, бир неча марта мурожаат қилганини З.Оллаберrановнинг ўзи ҳам тан олди. Бироқ бинони нотурар жойлар тоифасига ўтказиб бериш ва уни давлат рўйхатига олиш ваколати туман миқёсидаги маҳкама ва унинг раҳбари зиммасидан соқит этилган. Шу важдан ҳам З.Оллаберганов бу таклифни ҳар сафар рад этиб келган, масала фақат вилоят кадастр бошқармаси орқали ечим топиши мумкинлигини тушунтирган, тўпланган ҳужжатларни тез орада ана шу юқори ташкилот эътиборига ҳавола этишини айтган. Лекин ҳали айтилганидек, расмийлаштирилган ҳужжатларни қўлида атай тутиб турган. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас. Асл



ҳақиқат иш пировардида суд ва терговга етган маҳал юзага қалқиб чиқди.

... 2022 йил сентябрь ойидан буён Давлат кадастрлар палатасининг туман филиали бошлиғи лавозимида фаолият юритиб келган З.Оллаберганов кечмиш йилнинг 10 июнь куни тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора томонидан машъум қилмиш устида қўлга олинади. Унинг интиҳоси ачинарли бўлди. З.Оллаберганов М.Қўчқорова томонидан узатилган ва кўзга чалинмас алфозда “пора” сўзи битилган 500 АҚШ доллари миқдоридаги пулни олиб, чўнтагига солган маҳал қўлга тушди. Лекин чўнтакдан чиққан бу пул унинг наздида, асло пора эмас, балки таниши М.Қўчқоровадан олинган “қарз”нинг нақ ўзи эмиш...

Гумонланувчи З.Оллаберганов судда ҳам, терговда ҳам ўзига қўйилган айбни тан олмай, пулни пора эмас, қарз тариқасида олганини такрор-такрор баён этди. Лекин судда аризачи М.Қўчқорова томонидан пинҳона тарзда ёзиб олинган ва ҳар икки тараф-нинг ўзаро суҳбати мазмуни муфассаал ифодасини топган аудио тасманинг жонли овози томонларнинг ҳукмига ҳавола этилди. Ушбу суҳбат чоғи қарз масаласи умуман тилга олинмагани, аксинча, З.Оллаберганов М.Қўчқоровага тегишли бинога оид ҳужжатларни мазкур қурилмани бузмай туриб, ҳозирлаб бериш, гарчи ваколати доирасига кирмаса-да, уни давлат рўйхатидан ўтказиш мажбуриятини зиммасига олгани аён бўлди. Аммо аудио тасмадаги ёзувга қараганда, бу юмушни кадастрлар палатасининг Урганчдаги бошқармасига бормай, у ерда аллакимларнидир кўндирмай туриб ҳал этишнинг имкони йўқ. Бу эса, муайян миқдордаги харажатни талаб этади. Овозли тасмада аризачи аёл кўрсатилажак “беминнат” хизматнинг ҳақи қанча бўлишини сўрагани, “ҳожатбарор ёшулли” эса, ушбу нархни илмоқли тарзда “кўки”дан беш юз қилиб белгилагани, айни пайтда бошқа туманларда бу каби юмушларнинг қиймати аллақачон мингдан ошиб кетганини писанда тариқасида баён этганига оид далил-исботлар ўзининг ифодасини топганди. Судда М.Қўчқорова ҳам гувоҳ сифатида айнан шу мазмунда кўрсатма берди.

Яна бир гувоҳ – мазкур палатанинг вилоят бошқармаси юридик бўлими бошлиғи В.Ўринов эса, масаланинг ҳуқуқий жиҳатларини баён этди. М.Қўчқоровaнинг аризаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 200-сонли қарори 2-иловаси талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда Архитектура идораси тарафидан атрофлича ва синчиклаб ўранилгани, мурожаатда ифодасини топган сўров шундан сўнггина қаноатлантирилгани, фуқарога қарашли бино билан боғлиқ реконструкциялаш ва тоифасини қайта ихтисослаштириш, яъни турар жой сифатида қайд этиш учун рухсатнома берилиши зарур бўлгани, бу борада туман кадастр ташкилоти раҳбарига ҳам муайян ваколатлар берилганини билдирди.

Суд бу ҳолатлар, шунингдек, қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни эътиборга олди ва Жиноят кодексининг пора олишга доир 210-модаси 2-қисми “в” банди бўйича жазо тайинлади. Судланувчи 5 йил озодликдан, ушбу кодекснинг 45-моддасига асосан эса, 2 йил муддатга давлат иштирокидаги корхона ва ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Бу жиноят иши пировардида жиноят ишлари бўйича вилоят судининг аппеляция ҳайъатида ҳам кўриб чиқилди ва дастлабки босқич судининг ҳукмини ўзгартириш ёхуд бекор қилиш учун асослар топилмади.

... Порахўрлик – оғир, асоратли ва аянчли оқибатларга етакловчи иллат. Юртимизда бу каби қилмишларга нисбатан муросасиз кураш олиб борилаётгани боиси ҳам шунда. Бу иллат тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг кенг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлиги ва баҳамжиҳатлиги баробарида янада тезроқ ва самаралироқ бартараф этилади.


Маҳмуджон МАҲМУДОВ,
жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар суди раиси,
Абдулла СОБИРОВ,
“Куч – адолатда” мухбири

Мулоқот

Савол беринг, жавоб берамиз

— Мен биринчи инстанция судининг ҳал қилув қароридан норози бўлиб, апелляция шикояти бермоқчи бўлиб шаҳар судига мурожаат қилдим. Аммо шикоятни ишни биринчи инстанцияда кўрган туман судига топширишим кераклигини айтишди. Нега апелляция шикояти яна биринчи инстанция судига берилади ва уни ким кўриб чиқади?

В. ЗИЁДОВ,
Қамаши тумани



— Апелляция шикоятининг биринчи инстанция судига берилиши амалдаги Иқтисодий процессуал кодексининг 261-моддасида белгиланган. Аниқроқ айтганда, ушбу моддага мувофиқ, апелляция шикояти апелляция инстанцияси суди номига йўлланади, бироқ ҳал қилув қарорини қабул қилган судга берилади. Ҳал қилув қарорини қабул қилган суд шикоят келиб тушган кундан эътиборан беш кун ичида уни иш билан бирга апелляция инстанцияси судига юбориши шарт.

Апелляция шикоятини кўриб чиқиш ваколати Иқтисодий процессуал кодексининг 260-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра, туманлараро иқтисодий судларнинг ҳал қилув қарорлари устидан берилган апелляция шикоятлари Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатлари томонидан кўриб чиқилади.

Шу сабабли апелляция шикояти бевосита апелляция инстанцияси судига эмас, балки ҳал қилув қарорини қабул қилган биринчи инстанция судига берилади. Бунда биринчи инстанция судининг вазифаси шикоятни иш билан бирга белгиланган муддатда апелляция инстанциясига юборишдан иборат бўлиб, шикоятни мазмунан кўриб чиқиш ваколати апелляция инстанцияси судига тегишлидир.

Апелляция инстанцияси суди ишни кўриш жараёнида биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асослилигини текшириди ҳамда ишни тўлиқ кўриб чиқади.

— Яқинда мен даъвогар сифатида иқтисодий судга мурожаат қилдим. Аммо менда иш бўйича айрим далиллар мавжуд эмас, лекин улар жавобгарда бор. Бундай ҳолатда ушбу далилларни суд орқали талаб қилиб олишим мумкинми?

Ш. АҲМЕДОВ,
Янгийўл шаҳри

— Агар даъвогар иш учун аҳамиятга эга бўлган, бироқ ўзида мавжуд бўлмаган ва жавобгарда сақланаётган далилларни мустақил равишда олиш имкониятига эга бўлмаса, ушбу далилларни суд орқали талаб қилиб олишни сўраши мумкин.

Иқтисодий процессуал кодексининг 69-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи шахс зарур далилни мустақил олиш имконига эга бўлмаган тақдирда, уни талаб қилиб олиш тўғрисида судга илтимоснома билан мурожаат қилишга ҳақли. Илтимосномада далил ёрдамида иш учун аҳамиятли қандай ҳолатлар аниқланиши мумкинлиги, далилнинг аломатлари ҳамда унинг жойлашган жойи кўрсатилиши лозим.

Суд илтимосномани кўриб чиқиш натижасига кўра, ажрим чиқаради. Илтимоснома қаноатлантирилган тақдирда, ажримда далилни тақдим этиш муддати ва тартиби белгиланади ҳамда у далилни сақлаётган шахсга юборилади.

Далилни сақлаётган шахс уни бевосита судга юборади ёки тегишли ажримни тақдим этган шахс орқали судга топширади. Агар далилни белгиланган муддатда тақдим этиш имкони бўлмаса, бу ҳақда сабабларини кўрсатган ҳолда, судни хабардор қилиши шарт. Далилни узрсиз сабабларга кўра, тақдим этмаслик суд жаримасига сабаб бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, даъвогар жавобгарда мавжуд далилни мустақил равишда ололмаса, судга далилни талаб қилиб олиш тўғрисида илтимосномa киритади ва унда далилнинг иш учун аҳамияти, белгилари ҳамда жойлашган жойини кўрсатади.

Саволларга Тошкент вилояти суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати судьяси Авазжон Пайғамов жавоб берди.

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Робахон МАХМУДОВА
Алишер УСМАНОВ
Акрам ШУКУРОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ
Маликахон ҚАЛАНДАРОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ
Замира ЭСАНОВА
Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-915 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 2920
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21^{00}. Топширилди: 22^{10}.